

57-оят. «(Эй Мухаммад), қачонки (Ийсо) бинни Марям мисол келтирилса, баногоҳ қавмингиз (бу мисолдан шодланиб) қичкира бошладилар».

Ибн Аббосдан: Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам) қурайшликларга: «Эй Қурайш жамоаси, Аллоҳдан бошқа ибодат қилинадиган бирон нарсада яхшилик йўқдир» – дедилар.

Улар: «Сен Исони банда, Пайгамбар, солих киши демайсанми? Агар сен айтганингдек бўлса, у ҳам худди бизнинг илоҳларимиздек-ку? (яъни насоролар унга ибодат қилишади-ку) – дейишди. Шунда Аллоҳ таоло оятини нозил қилди.

Бу қисса ва Ибн Забъарийнинг Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам) билан мунозараси Анбиё сурасининг охирида «Сизлар ҳам ва сиз Аллоҳдан ибодат қиладиган нарсалар ҳам жаханнам ўтинидир» оятида зикр қилинган.